

Халқаро ҳамкорлик марказида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳузурида ташкил этилган ўзбек-япон маркази бизнес курсининг навбатдаги битирувчиларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев, Япониянинг мамлакатимиздаги факултетида мухтор ёлчиси Акио Кавао тадбирда сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликнинг алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбек-япон маркази бизнес курсининг ташкил этилиши ва фаол иш олиб бораётгани ҳам шундай самарали ҳамкорлик натижалари ҳисобланади.

Мазкур курсда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги шароитда тадбиркорлик оламига кириб келаётган ёш ишбилармонларга жаҳон иқтисодиёти меъёрларига мос фаолият юритиш, айниқса, менежмент ва маркетингни ташкил этиш бўйича машғулотлар ўтилади.

(УЗА)



ОЛИЙ БАҲЎ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ
21 МАРТДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 28 феврал, шанба № 33 (1666)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



мад қилиб, халқнинг қорига ярабман. Интилганга толе ёр, деган...

— Орзуларим кўп, — дейди тадбиркор, — қани эди болам — рўзорим, дея елиб-югуриб меҳнат қилаётган аёлларимиз юмушларини энгиллатиб, ҳаётларига мазмун, чеҳраларига чирой бағишласак. Шу мақсадда «Ўзғаллик уйи» очилди.

САНЪАТИГА ТАСАННО

Ислохотларнинг мазмун-моҳияти аввало ҳар бир кишининг ўз қобилияти ва истеъдодини намойиш этишига, ўз касби-қори орқали мамлакат раёнасига ҳисса қўшишига қаратилган. Ҳаётимиздаги барча ўзгаришлар айни пайтда ана шу олий мақсадга, ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишига бўйсундирилган.

Челаклик хусусий тадбиркор Мухаррам Азимова ҳам ўз фаолиятини ана шундай юксак талаб ва масъулиятдан келиб чиқиб бошлади. Бундан бир неча йил олдин ишни зардўзликдан бошлаган тадбиркорнинг хусусий корхонаси кенгайиб, икки қаватли, ихтисослашган фирмага айланди. Бу ерда тикувчилик, гўзаллик саломи каби ўнлаб маънавий хизмат тармоқлари бор.

— Асли ҳунарманд зардўзлар юрти Бухороданман, —

ларидек Мухаррам опа ўз меҳнати, тадбиркорлиги, қолаверса, узққни кўра билгани туфайли эл эътирофига сазовор бўлди. Унинг хусусий корхонасида тикилган зардўзи тўнларни одамлар тўйларга, яхши кунларга атай сотиб олишади. Зардўз сўзана ва зардворлар эса келинчақлар уйини беэатади. Хуллас, унинг зардўзлик санъати тилга тушди. Кўрғазмаларда алоҳида эътироф этилди.

Мухаррам опа эса изланишдан, интилишдан тўхтамади. Ҳар йили хусусий корхонасини кенгайтириб, ҳам эл-юртга, ҳам ўзига катта наф келтира бошлади. Даромаддан кам таъминланган, ноғирон, боқувчисини йўқотган оилаларга улашди. Элининг дуоси ишларига омад, ниятига қанот бағишлади.

Фулум ХИДИРОВ, «Ишонч» муҳбири

Бир томони азим Сирдарё ўзларига тутатиб кетган Ҳайдар Худойбердиев номи ширкат жамоаси Данғара туманида йирик хўжаликлар сирасига қиради.

Марказдан 15 километр узоқликдаги хўжаликда 8 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилиб, асо-

ЙИГИРМА ФОИЗ УСТАМА ҲАҚ

сан деҳқончилик билан шуғулланади.

Шу сабабли бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчиларнинг ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, моддий манфаатдорлигини ошириш, спорт, соғломлаштириш билан боғлиқ муҳим тадбирларга ширкат хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоат шартномасида алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Биргина ўтган йил натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир ходимнинг ижтимоий муҳофазаси учун сарфланган маблағ 44 минг сўмни ташкил этди. Бу эса 2002 йил кўрсаткичига нисбатан анча кўп.

Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш, бепул иссиқ овқат, соғломлаштириш, кўшимча таътил, моддий ёрдам, рағбатлантириш, спорт-соғломлаштириш сингари тадбирлар учун йил давомида 59 миллион 906 минг сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Меҳр ва мурувват йилида бу борадаги ишларга янада катта аҳамият берилмоқда. Кўп болали, кам таъминланган, ноғирон оилаларга, байналмилалчи жангчилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тиббий хизмат кўрсатиш ва моддий ёрдам кўламини кенгайтириш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларини ўқув қуроллари, уст-бошлар билан бепул таъминлаш ҳам назарда тутилган. Олий ўқув юртини ва касб-хўна қоллежларига тахсил олаётган ёшларга шартнома тўловларини бир қисмини тўлаб бериш, кўп болали аёллар иш ҳафтасини бир соатга қис-

қартириш, аёлларни ҳомиладорлик таътилига илгаригидек 7 ойда эмас, 6 ойда чиқариш каби имтиёزلар ҳам берилмоқда.

— Иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг мақеани ошириш мақсадида ўқув-семинарлари ўтказдик, — дейди агроном таълим хизматлари Фирона вилоят кўмитасининг раиси Саидхон Аҳмадқулов. — Кам таъминланган, яққа-ёғиз, ноғирон, ўзгалар меҳрига муҳтож, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, тиббий, моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам беришни режалаштирилган.

Вилоятда бу борада тўплаган амалий тажрибалар оммалаштирилди. Жумладан, Риштон туманидаги Мамадали Топиболдиев ширкат хўжалигида йилнинг энг иссиқ ва совуқ кунларида ишловчиларга 20 фоиз устама ҳақ тўлаш тартиби, Бағдод туманидаги Эркинжон Усмонхўжаев номи ширкат хўжалигида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб нафақа ёшига етмаган, ҳозирда ишлаш имконияти йўқ эркак ва аёлларга давлат нафақасига етгунга қадар ички нафақа тайинлаш жорий этилди.

Р.КАМОНОВ

ШИРИН МАҲСУЛОТ

Гулистондаги «Ал-Амин Патеко» масъулияти чекланган жамият жамоаси бир йилда 250 тоннагача асални ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Бу эса аввалги йилдаги деярли икки ярим марта кўп. Асални ёки оддийроқ айтганда, крахмал арпа, гуруч, маккажўри донидан тайёрланади.

Асални қандолатчиликда, асосан карамел конфетлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. «Ал-Амин Патеко» маҳсулотлари республикада талаб катта.

Фулум ХИДИРОВ, «Ишонч» муҳбири

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

Мухтожларга мурувват кўрсатиш халқимизнинг кўҳна қадриятларидан ҳисобланади. Мустақиллик шарофати билан эса бу қадимий урф-одатлар кўнунларимизда ўз аксини топишмоқда ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани ижтимоий таъминот бўлимида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, уларга ҳоимйор томонидан ҳам турли хил моддий ва маънавий кўмак кўрсатишмоқда. Тумани ижтимоий таъминот бўлимида «Меҳр ва мурувват» маркази очилган. Марказнинг 3 та кенга ва ёруғ, шинам хоналари бўлиб, уларда овқатланиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун қулайликлар мавжуд.

Ўтган йилда нурунийларга жами бўлиб 2,5 миллион сўмликдан орტიқ моддий ёрдам кўрсатилди. Уларга пенсия ва нафақа ўз вақтида тўланиши таъминланмоқда. Қариларнинг соғлиқлари ҳақида ҳам жиддий қайғурилмоқда. Масалан, ўтган йили 526 нафар қария «Нурунийлар оромгоҳи»га юборилди. Бундан ташқари, «Товоқсой»га 109 та, «Олтиарик» сихатгоҳига 53 та ва юртимизнинг кўплаб дам олиш жойларига 24 та йўлланма ажратилди.

Худуддаги «Ипакчилик» маҳалла гузарига ўтказилган тадбирда 200 нафардан ортиқ қария ва ноғирон иштирок этди.

О.ЭРҒАШЕВ, «Ишонч» муҳбири

Тармоқ касаба уюшма кўмиталарида

Ўтган йил Енгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Хоразм вилоят кўмитаси тугатилиб, ўрнига тармоқ Марказий кўмитасининг Хоразм вилояти бўйича вакили жорий қилинди. Натижада ташкилий, маданий-маърифий ишларимизни, иш юритиш услубимизни бир мунча такомиллаштиришга эришдик. Кўпроқ бошланғич ташиқлотларда бўлиб, уларга амалий ёрдам бериш имкониятига эга бўлдик.

РАИСЛАР УЧУН МАХСУС ҲАҚ

Бугунги кунга келиб вакиллик 20 мингга яқин касаба уюшма аъзоларини бириктирган. 48 нафар касаба уюшма кўмитаси раисидан 30 нафари хотин-қизларни, 12 нафари 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил қилади. Уларнинг барчаси олий ва ўрта махсус маълумотларга эгадир.

Касаба уюшма кўмитаси раисларининг махсус ўқув-семинарларини ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ҳар ойда икки марта йилги ўзтаълимиз. Меҳнатчиларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам асосий диққат марказимизда. «Хива гилами» ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили 42 нафар ишчи-хизматчи марказий ва вилоят сихатгоҳларида дам олдирилди. Шуларнинг 30 нафарига касаба уюшма кўмитаси томонидан йўлнамалар берилди.

Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитасида олиб борилаётган маданий-оқартув ишлар ҳам диққатга сазовордир. Ишчи-хизматчилар учун маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ташкил этилган. Ҳар йили кутубхона янги китоблар билан бойитилмоқда. Касаба уюшма кўмитаси томонидан «Гиламчи» бадий ҳаваскорлик ва ёш қаламкашларнинг ижодий тўғарақлари ташкил этилган.

«Хива карпет» кўшма корхонасида ишчи-хизматчиларни ишлаш ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Бу ерда бадий ҳаваскорлик тўғараги ташкил этилган. Тўғарақ қатнашчилари ўтган йилда ўтказилган вилоят тармоқ ходимлари кўрик-танловидеда биринчи ўринни олиб, Республика танловидеда иштирок этди ва фахрли III ўринни эгаллади. Ишчи-хизматчилар ўртасида спортни кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Касаба уюшма аъзолари вилоят ва Республика тармоқ спартакиадаларида фаол иштирок этмоқдалар.

2003 йил мобайнида «Хива карпет» кўшма корхонасида кам таъминланган оила ишчиларига 300 минг сўмлик, «Хива гилами» акционерлик жамиятида эса 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

Р.ИСКАНДАРОВА, Енгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг Хоразм вилояти бўйича вакили

«ЗАКОВАТ»НИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Тадбиркорларни информацион қўллаб-қувватлаш «Заковат» жамоатчилиги жамғармаси Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари томонидан техникавий-молиявий ҳамкорлик дастури доирасида фаолият юритиб, маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Жамғарманинг «Маҳаллий тадбиркорлар иштирокида қишлоқ маҳаллалари инфратузилмасини яхшилаш ва янги иш ўринлари яратиш» лойиҳасида Ўзбекистондаги тўққиз қишлоқ фуқаролар йиғинини молиявий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган, — дейди лойиҳанинг халқаро мувофиқлаштирувчиси Вольфганг Шрайбер.

Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида қишлоқ фуқаролар йиғинлари компьютерлаштирилиб, интернет тармоғига уланди. Иккинчи босқичда эса газ, сув, электр таъминоти соҳасидаги аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга татибқ этилади.

«Заковат» жамғармаси ҳоимйиликка олган маҳаллалардаги аҳолининг умумий сони 100 минг кишидан ортади. Ушбу маҳаллаларни ривожлантириш учун жамғарма томонидан 16 миллион 750 минг АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилган.

Яқинда жамғарма вакиллари Қарши ту-

ФЕРМЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Қорақўл туманининг Субхон Одилов номидаги ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг ўрнида 12 фермер хўжалиги ташкил этилди. Бухоро вилоятида фаолият кўрсатилган фермерлар сони 6 минг 570 дан ошди.

Фермерлик ҳаракати ўзини оқляпти. Ўтган йили вилоятдаги ширкат хўжаликлари бир гектар майдонда пахта ётиштириш учун 511 минг сўм сарфлаган бўлса, фермерларда бу кўрсаткич 457 минг сўмни ташкил этди. Натижада ҳар бир фермер йилни ўртача 7,8 миллион сўм даромад билан яқунлади. Айни пайтда фермерларни техника, минерал ўғит ва ёнилғи билан таъминлаш, топширилган маҳсулот ҳақини кечиктирмай тўлаб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонига мувофиқ икки йил ичида вилоятдаги паст раёндаги эллик уч ширкатли фермер хўжаликлари айлантириш режалаштирилган. 2010 йилга бориб эса вилоятдаги барча ширкат хўжаликлари тасарруфидеги ерлар фермерлар ихтиёрига ўтади.

(УЗА)

ЁЛФИЗ ҚАРИЯЛАРГА МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ

Мамлакатимиз Президентини белгилаб берганларидек, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишининг асосий таъминотларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳисобланади. Мустақиллик, одилолик сиёсат шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаронининг бурч ва эркилиги, қонун олдида тенг эканлигини қарор қилиш, — дейди тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири Д.Топилов. — Ва-зирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили дастури тўғрисида»ги қарори ўзгалар кўмаги ва ҳимоясига муҳтож табақаларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Бугунги кунда туман-

БАФРИКЕНГ ТОҒЛИКЛАР

Тоғли Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйида айни пайтда 180 нафардан ортиқ ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Кўнгли ўқиб-уқиб бу одалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эмас. Саховатгеша одалар, тадбиркорлар, қатор ташкилотларнинг жамоалари йил ўн икки ой болаларга мурувват кўрсатишди. Меҳрибонлик уйини Бойсун туманидаги ташкилотлар, ишбилармонлар оталиққа олишган. Ҳоимйилар турли байрамлар, унутилмас кунлар муносабати билан бир оғиз илиқ сўз, совға-саломлар билан етимлар кўнглини овламоқда.

ДИҚҚАТ: ТАҢЛОВ!

Бу йил Ўзбекистонда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинган. Бу ўзбек халқига ҳос азалий одат, ҳеч қандай қачон бошқа миллат қишлоқларини дини, ранга қараб ажратмаган.

Болаларга нисбатан эса меҳримиз бўлақча. Кимдир тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан, мурувватидан ва қалб қўридан маҳрум бўлган бўлса, унга нисбатан эътиборимиз янада ошади. Улар учун мамлакатимизда ўнлаб замонавий жиҳозланган Меҳрибонлик уйлари бунёд этилган. Уларда болаларга шундай ғам-хўрлик қўрсатилмадики, кичкинтойлар ўзларини етим деб ҳис эъландилар.

Шу билан бирга бундай болаларга яна бир бор ғам-хўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш ҳеч қачон ортиқ-

чалик қилмайди. Маълумки, Ўзбекистоннинг мингглаб қорхона ва ташкилотлари, хусусий фирмалар, оддий одамлар ва болаларга имкониятлари даражасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Яна кўп одамлар бундай меҳр-мурувват кўрсатиш ишига ўз хиссаларини қўшишни истайдилар, аммо қандай йўл тутишни билмайдилар. Уларнинг кўнчилиги бу болаларни ўғил-қиз қилиб, ўз қармоқларига олишни хоҳлайдилар-у, бундан қандай расмийлаштириш учун қайси идорага мурожаат қилишни билмайдилар.

Тан олиш кераки, бу соҳада юзага келган вазият ҳақида жамиятимизда маълум-

мот етарли эмас. Бу борада оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда воқеаларга бир томонлама ёндашилмоқда, ачинарли ҳаёт тасвирланмоқда.

Шу муносабат билан «Сен ёлғиз эмассан» Болалар жамоатчилиги жамғармаси республика Хотин-қизлар кўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ота-онасиз ўсаётган болалар ҳаётига бағишланган матбуотда, интернет нашрларида берилган энг яхши мақолалар, радио эшиттиришлари ҳамда телевидение кўрсатувлари, аудио ва видео роликлар тайёрлаш учун танлов эълон қиладим.

Танлов шиори: «Бахти-қобул... ҳуқуқига эгаман».

Танловга 1 июн - Болаларнинг ҳимоя қилиш куниде яқун ясалди.

Танлов мақсади - фуқароларда Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳолига шахсий масъулиятни оширишга қаратилган.

Танловга оммавий ахборот воситаларида 2004 йил 1 мартдан 2004 йил 15 майгача эълон қилинган материаллар қабул қилинади.

Кўшимча маълумотлар билан 136-73-76 сонли телефон ва info@sen.uz электрон почта орқали танишишингиз мумкин.

Ҳоимйилар куйидаги муко-

фотлар билан тақдирланади:

Матбуотда, Интернет нашрларида эълон қилинган энг яхши мақолалар учун:

- 1 ўрин - 200.000 сўм
- 2 ўрин - 125.000 сўм
- 3 ўрин - 75.000 сўм

Телевидениеда кўрсатилган энг яхши туркум (6 кўрсатув) учун:

- 1 ўрин - 500.000 сўм
- 2 ўрин - 300.000 сўм
- 3 ўрин - 150.000 сўм

FM радиодаги (6 эшиттириш) энг яхши туркум эшиттирилган учун:

- 1 ўрин - 100.000 сўм
- 2 ўрин - 75.000 сўм
- 3 ўрин - 50.000 сўм

Энг яхши видео ролик учун - 100.000 сўм.

Энг яхши фото ва фоторепортаж учун - 200.000 сўм.

СЛОТДАГИ «МАВЛОНО» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ КУНИГА УН МИНГ ДОНА ИЧИМЛИК ТАЙЁРЛАШ ҚУВАТИГА ЭГА БЎЛГАН ШВЕЙЦАРИЯ ЛИНИЯСИ

«Мавлоно» хусусий фирмасининг раҳбари Фулом Жумаев «Туркистон-пресс» муҳбирига: «Мазкур маблагларга бино солиб олдик, уни яхшилаб таъмирдан чиқардик. Ундан қолганга эса Швейцариядан ичимликлар тайёрлайдиган линияни келтирдик. Сув Жондор туманидаги қудуддан калитриллапти. Бу қудуднинг суви мазаси ва сифати билан бошқа сувлардан тубдан фарқ қилади. Идишлар Тошкентдаги «Пластик» фирмасидан, аралаштирилган эса Германиянинг «Астар» фирмасидан олинмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқариладиган кайин албатта, уни сотиш ҳам керак. Бу борада ҳам ҳеч қандай муаммо туғилмади. Ф.Жумаевнинг таъкидлашича, ичимликлар Бухоро шаҳри ва Слот, Жондор туманларида сотилади. Келгусида қорхона вилоятнинг бошқа шаҳарларида фаолият кўрсата бошлайди.

Бир Фармон шарофати

1991 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Пахта иши» билан судланиб, республика ҳудудидаги ахлоқ тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни авф этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

Ушбу Фармон шарофати ила ноҳақ қамалган, хўрланган, қийноқларга солинган қанчадан-қанча кишилар ўз оилаларига, қадрдон масканларига, севган касбларига қайтдилар. Уларнинг пок номи оқланди!

Ўзингдан қўймасин халқим

1983-1989 йилларда Ўзбекистонда рўй берган аянчли воқеалар халқимиз қалбига ўчмас жароҳат қолдирди. Марказдан юборилган Глян ва Иванов бошлиқ терговчилар «Пахта иши», «Ўзбеклар иши»ни ниқоб қилиб, кўнгилларига келган номзодларнинг қанчаларини амалга оширдилар. Улар айбисиз одамларни қамоққа олиш, дўқ-пўписа қилиб, уйларида тинтув ўтказиш, мол-мулкни тортиб олиш чоғида оғир жиноятларни содир этдилар.

Олий Суднинг саъй-ҳаракати билан икки йилдан ортиқ вақт давомида кўпдан-кўп жиноят ишлари кўриб чиқилди, минглаб ноҳақ жабрланганлар оқланди.

бундай оғир кунларни биргина қашқадарёликлар эмас бутун мамлакат бошдан кечирди. Адолат тантана қилишни, истиқлол кўёши порлашини интиқ кутди.

Хозирги кунда «Пахта

Таажубки, Ўзбекистон компартияси Марказий қўмитасининг XVI пленуми аҳолига ишларга йўл очиб берди. Республикаимизнинг ўша даврдаги биринчи раҳбари Москвадан «Пахта иши» билан боғлиқ ишларни очиш, идора, ташкилотларни кадрлар билан мустаҳкамлашда ёрдам сўради. Ана шу пленумдан сўнг кўпдан-кўп ватандошларимиз ишдан ноҳақ бўшатилди, қийноқ-қистовга олинди.

Фидокор халқимиз бахтига салтанат тепасига мард, салоҳияти кучли, юртим, халқим дегувчи инсон келди. Давлатимиз раҳбари марказдан келган «десантчи»лар фаолиятига тўхталиб, «Пахта иши»га кўполлик, зўравонлик ва саводсизларча ёндошилганлигини алоҳида таъкидлади. Кўп ўтмай Ислам Каримов таклифига биноан «Пахта иши»ни чуқур ўрганиш юзасидан махсус комиссия тузилди. Комиссия 1990 йилнинг июни ойида ушбу масала бўйича судланганларнинг аксарият қисми оқлангани лозим, деган хулосага келди ва бу тўғрисида собиқ СССР Олий Суди, СССР прокуратурасига хат йўллади. Лекин хатга тегишли жавоб олинмади. Шундан сўнг, мазкур хат Ўзбекистон Олий Судининг пленуми муҳокамага қўйилди. Унда келтирилган фикрлар маъқулланиб, 1990 йилнинг 20 июнида тегишли қарор қабул қилинди. Махсус комиссия ва

риш хати ёзишга мажбур қилинди.

Ўз ерингда яшаб, ҳалол тер тўксангу тақдиринг ўзга ерлардан келган зўравонлар, қўлида қолса... Бунга чидаш жуда қийин эди. Кунларнинг бирида масъул вазифада ишлаб, ноҳақ қамалган, хўрланган инсон қизи билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг таъкидлашича, қиз бечорани қайта-қайта сўроқ қилиб, «отанг бекитган хазинани топиб берсанг, жонинг омон қилади, акс ҳолда оила аъзоларинг билан турмада қирийсизлар», дея зугум ўтказишган. Эҳ-ҳе,

«ПАХТА ИШИ» ЖАБРДИЙДАЛАРИ: У КУНЛАРНИ УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ!

1988 йилнинг декабрида вилоятимиз миқёсида ўтказилган катта анжуманда қатнашдим. Раҳбариятнинг халқ билан ҳамкору ҳамнафас бўлиб иш бошлаганини Қашқадарёни тараққиёт йўлига олиб чиқди. Қурилиш-ускуналаш ишлари самарадорлиги ортиб, биринчи мартаба йилни соф фойда билан якунладик. Ушанда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга 35 миллион сўм сарфланди.

«Пахта иши» билан боғлиқ ишларни очиш, идора, ташкилотларни кадрлар билан мустаҳкамлашда ёрдам сўради. Ана шу пленумдан сўнг кўпдан-кўп ватандошларимиз ишдан ноҳақ бўшатилди, қийноқ-қистовга олинди.

«Пахта иши» жабрдийдаларининг фарзандлари, қадрдонлари улуг ишларга бел боғлаб, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Вожа айниқса, нефт ва газ каби қimmatбох хомашё заҳирасига эга эканлиги ҳаммага маълум. Эндиликда бу ерда қад кўтарган ва катта ҳажмда фаолият кўрсатаётган корхоналар мамлакатимиз индустрия қудратини янги боққиларга кўтармоқда.

БУНЁДКОР ҚЎЛЛАР

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш кенг қўламада олиб борилди. 25 миң оила янги уй-жойли бўлди. Кооператив ҳамда яқин тартибда уй-жой қуриш кўпайди. Кўпчилик, ўнлаб мактаблар, боғчалар, бозорлар бунёд этилди.

Биз – қашқадарёликлар ўзимизни том маънода бахтли инсонлар деб биламиз. Йиллар мобайнида ажойиб раҳбарлар раҳнамолигида кенг бунёдкорлик ишларини амалга ошириб келаямиз. Муваффақиятларнинг асосий замини давлатимиз раҳбари номи билан боғлиқ. Фидойи инсонлардан бири Болта Фозилов номидаги ширкат ҳўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Раҳмон Юсуповдир. Унинг таъкидлашича, илгарилари «юқоридан» белгиланган режа асосида иш юритилар, меҳнатдан манфаатдорлик туйғуси деярли йўқ эди. Хозир эса пахтадан ўзимиз сотаямиз. Демак, миришкорнинг ўзи баракали ҳосил олишдан бевосита манфаатдор. Режани унинг ўзи белгилайди, ҳўжалик билан шартнома тузиб, эмин-эркин фаолият юртади.

Инсон иродаси, заковати ҳақида уйлаганимда биринчи навбатда кўз ўнгимда 14 фарзанди билан Фидокора меҳнат қилаётган Яҳё ота гавдаланади. Отанинг хурсандчилиги яна шунданки, у Юртбошимиз билан дала бошида дилдан суҳбатлашиб бахтига му-

Бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Биргина ўтган йили вилоятда 773,7 миң квадрат метр уй-жой, 25 та мактаб, 20 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. 418,9 километр газ қувурлари ётқузилди. Бу ишларда менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Инсон иродаси, заковати ҳақида уйлаганимда биринчи навбатда кўз ўнгимда 14 фарзанди билан Фидокора меҳнат қилаётган Яҳё ота гавдаланади. Отанинг хурсандчилиги яна шунданки, у Юртбошимиз билан дала бошида дилдан суҳбатлашиб бахтига му-

шарраф бўлган. Юртбошимиз меҳнат унмудорлигини ошириш, деҳқон кадр-кимматини ўрнига қўйиш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан қимматли маслаҳатлар берганди. Буларнинг бари кекса деҳқонга ғоятда асқотди. Бултур пахтадан баракали хирмон уйди. Ҳалол меҳнати эвазига қўли пул кўрди. Шунинг ҳисобидан уйлар кўрди, тўйлар қилмоқда, янги машинали бўлди.

Хайит ЖОНИЕВ, курувчи

Раҳим ОЧИЛОВ, механизатор



ГУРУРЛИНИ ЕНГИБ БЎЛМАС

Қарши даштини ўзлаштиришда иштирок этган инсонлар билан бақамти яшаганман. Катта ишларга бел боғлаган инсонларнинг ўзига ҳос фазилати бор эди. Бироқ улардаги гурур ва ўзига ишонч менга ҳам далла бўлди.

Айни кунга тўлган чоғимда «Пахта иши» ташкилотчилари билан юзма-юз бўлишга тўри келди. Қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олиб, Қарши даштини ўзлаштирувчилар сафига қўшилдим. Янги ташкил этилган ҳўжаликлардан бирида ҳосилот, кейинчалик раҳбар бўлиб фаолият юртдим. Бундай шароитда манманлик кетмайди. Омилкор, тажрибали кишиларга суяниш, одамларни ўз ортиндан эргаштира билуш ғоятда зарур. Ҳал қилувчи дамларда нурунийлар жонимизга оро

киришди. Пахтачилик, галлачилик, чорвачилик ривожланиш йўлига кирди. Кутилмаганда тўхматга учраб, қамоқда кун кечирришга мажбур бўлдим. Бироқ Президентимиз Фармони шарофати билан қадрдон бўлиб қайтдим. Қатор йиллар чўлини гулистонга айлантириш учун сидқидилдан меҳнат қилдик.

Хозирги кунда кўп йиллик меҳнатимнинг роҳатини кўраялман. Тормоқдан мўмай даромад олаялми. Фарзандларим тадбиркор. Янги уйлар қуриб, тўйлар ўтказаялми. Бироқ кўнглимга бир нарса ғашлик солади. Қанчадан-қанча чўлқуварлар «Пахта иши» қурбонига айланмишди. Улар бугунгидек ёруғ кунларни қиришолмади. Аммо оталар бошлаган ишни фарзандлар давом эттиришяпти.

Равшан ТОШТЕМИРОВ, Қарши туманидаги Қозоқ қишлоғида яшовчи пенсионер



Эркинлик инсон учун энг керакли омиллардан бири. Биз – қишлоқ кишилари баркиренгликни, тўрсузликни, ҳалол меҳнат қилишни ёқтираемиз. Афсуски, етмиш йиллик умримнинг олтин дамлари хурсандчилик билан ўтмади. Собик шўро даврида чиройли гап-сўзлар кўп эди. Пахтакор ҳақида кўпдан-кўп китоблар ёзилар, кино-филмлар ишланар, газеталарда мақолалар босиларди. Бироқ энг муҳими бизда кадр йўқ эди. Эрта тонгдан то кун ботгунга қадар далада ишлаб бйримиз икки бўлмади. Торгина ховлида уч-тўрт оила қимтини яшадик.

ЭЛ ЯХШИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Марказдан келган зўравонлар «Йиллар мобайнида йиққан бойлигини топиш, кимга пора берганлигини айт» дея кунига тинкамизни қуриб сўроқ қиларди. Хайронман қийноқларга қандай дош бердик. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, деганлар. Бахтимизга

жонқуяр, адолатли, метин-иродали кишилар саъй-ҳаракати ила қамоқдан озод этилдик, юзимиз эл-юрт ўртасида ёруғ бўлди. Ўз садақатимиз, миннатдорчилигимизни хали-ҳануз амалий фаолият орқали ифода этишга ҳаракат қилиб келаялман. Қишлоқларда сифатида кўп оғир дамларни бошдан кечирдим.

Панжи ҚУРБОНОВ, меҳнат фахрийси

бояв номли ҳўжалик бригада бошлиғи Алмардон Тураев эсини танигандан бунён гўза парвариллашди. Йиллар мобайнида ерни эъзозлаб, ҳосилдорликни ошириш пайида бўлди. Унинг учун даласидан, пахтадан азиз

«Пахта иши» билан боғлиқ ишларни очиш, идора, ташкилотларни кадрлар билан мустаҳкамлашда ёрдам сўради. Ана шу пленумдан сўнг кўпдан-кўп ватандошларимиз ишдан ноҳақ бўшатилди, қийноқ-қистовга олинди.

«Пахта иши» жабрдийдаларининг фарзандлари, қадрдонлари улуг ишларга бел боғлаб, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Вожа айниқса, нефт ва газ каби қimmatбох хомашё заҳирасига эга эканлиги ҳаммага маълум. Эндиликда бу ерда қад кўтарган ва катта ҳажмда фаолият кўрсатаётган корхоналар мамлакатимиз индустрия қудратини янги боққиларга кўтармоқда.

«Пахта иши» жабрдийдаларининг фарзандлари, қадрдонлари улуг ишларга бел боғлаб, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Вожа айниқса, нефт ва газ каби қimmatбох хомашё заҳирасига эга эканлиги ҳаммага маълум. Эндиликда бу ерда қад кўтарган ва катта ҳажмда фаолият кўрсатаётган корхоналар мамлакатимиз индустрия қудратини янги боққиларга кўтармоқда.

ТУҲМАТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Кексаларимиз дуога қўл очинганда тўхмат балосидан сақласин, дея таъкидлашади. Бунинг қандай оғир савдо эканлигини шахрисабзликлар ҳам «Пахта иши» авж олган ўша зулму қезларда чуқур ҳис этишди. Машҳур пахтакор, мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратган Фани Бобоевнинг фарзанди Шўхрат Бобоев ҳам «десантчи»лар томонидан қийноққа солинди. Қўшқанот қишлоғида туғилиб ўсган, далага меҳр қўйган ажойиб мутахассисга кўз қўриб, қулоқ эшитмаган айблар ёпиштирилди. Оқибатда унинг саломатлиги кетиб, ғоятда оғир аҳволда қолди.

«Пахта иши» жабрдийдаларининг фарзандлари шўроналар айтиб, фидойи меҳнатлари билан мустақил Ўзбекистонимиз бойлигига бойлик қўшишмоқда.

Жаббор ХАЛИЛОВ, «Нуроний» жамгармаси Шаҳрисабз тумани бўлими «Иждоқор фахрийлар» уюшмаси раиси

Хар кунни тонгда мусарфо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Шу мустақиллик кунларига етказганидан Яратганга шўроналар айтаман. Баъзан у-будан таъсирланган кезларда ўтмишга назар ташлаб, бу ёруғ жаҳондан армон билан кетган ажойиб пахтакорлар, мутахассисларни бир-бир ёдга оламан. Инсон учун энг буоқ нарсалардан бири бу унинг гуруридир. Жаҳонда ҳеч кимнинг боши ҳам бўлмасин. Эеро, биз - деҳқонлар адолатсизлик билан сира қийишмаймиз. Бироқ бир вақтлар шундай даврлар бўлдики, айтишга баъзан тил айланмай қолади.

ОТАЛАР ИШИНИ ФАРЗАНДЛАР ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

Собик шўро даврида дабдабазлик, широбозлик кўп эди-ку, лекин меҳнатқаш инсон қадр топмасди. Қаранг, Китоб туманида «Пахта иши» бўйича 65 киши жабрланди. Бир кун Навоий номи ҳўжалик раиси Нуриддин Пулатовни учратдик. Қайфияти ниҳоятда синиқ эди. Билсак, юқоридан келган буйруқ асосида пахта йғим-теримга қиришмаганини учун «выговор» олибди. Шундан сўнг уни роса судра-судра қилишди. Охир-оқибат у қийноқларга чидалмади...

Нимасини атай, уша пайтда қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи Абдураҳмон Пулатов, Россиянинг Магадан, Тюмен ва Новосибирск қамоқхоналарида қийналиб, касалга қалинган Маҳмуд Намозов, Шароф Ашуров, Баҳром Узоқов, Омон Хўжанов, Гадоий Мансуров, Ери Очилов, Хазраткул Назаров каби асл пахтакорлар жон таслим қилдилар.

САБОҚ

Инсон ёши бир ерга борганида босиб ўтган йўлга назар ташлайди. Эҳ-хе, бу бош навларни кўрмади. 1986 йил қишлоқ ҳўжалиги учун ғоятда оғир келди. Маъмурий буйруқбозлик, услуби эмин-эркин ишлашга, янгиликларни дадил жорий этишга имкон бермасди. Бир кун пахта илмининг устаси Усмон ота билан суҳбатлашиб қолдим.

Иззат Ҳикматов «Ишонч» махсус мухбири


Кўша корхона - хориж ишончи

КАСБГА САДОҚАТ

Кибрай туманидаги «Интер-Рохат» Ўзбекистон-Америка кўша корхонаси бундан салкам 30 йил аввал яхна ичимликлар комбинати сифатида иш бошлаган. Лекин корхонада мустақиллик йилларидагина том маънода бенисл ўзгаришлар амалга оширилди. Акционерлик жамиятига айлантирилган ишлаб чиқариш суръати ҳамда ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги сезиларли даражада ортди.

Ўтган йили бу ерда АҚШлик сармоядорлар билан ҳамкорликда кўша корхона ташкил этилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати янада яхшилаш мақсадида Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкдан 5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит олиниб, Германиядан келтирилган замонавий ускуна ва жиҳозлар ўрнатилди. Хозирги вақтда кўша корхонада олими эканлигини ҳисобга олган ҳолда меҳнатқашлари мизини моддий манфаатдорлигини оширишга катта аҳамият қаратилди. Ишчи-хизматчилар учун

сий эътибор сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Шу сабаб ҳам кўша корхона маҳсулотлари харидорларга манзури бўлаётди. Кўша корхонамизда 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг 240 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Қутби Эргашева. Рағбат ҳар қандай соҳада муваффақиятлар олими эканлигини ҳисобга олган ҳолда меҳнатқашлари мизини моддий манфаатдорлигини оширишга катта аҳамият қаратилди. Ишчи-хизматчилар учун



кулай иш ва дам олиш шaroитлари яратилган. Жумладан, бир маҳал бепул тушлик ташкил этилган. Зарарли иш шaroитларида ишловчиларга сут берилди. Шунингдек, ходимларимиз учун махсус автобуслар ажратилди. Бундан ташқари, кутубхона, ошона, чойхона ҳамда бир нечта маиший хизмат шохобчалари меҳнатқашлар хизматида. Дарҳақиқат, корхона ишчи-хизматчилари ижтимоий муҳофазалаш ишига биринчи галдаги вазифаси сифатида қаралмоқда. Мисол учун, ўтган йили биргина касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан 385 минг сўм моддий ёрдам ҳамда 190 минг сўм мукофот пуллари ажратилди. Илғор ишчиларга республика ҳамда вилоят миқёсидаги



Истеъмолчи манфаати муқаддас

СТАНДАРТ ТАЛАБИ

унга ким қандай риоя қиляпти

Қарши «Термопласт» заводи сув ва газ таъминотида канализация дренажлари учун полиэтилен ва поливинилхлорид қувурларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бундан икки йил муқаддам корхона 480 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлса, бултур бу кўрсаткич 2 миллиард сўмликдан ошиб кетди. Истеъмолчиларнинг эътиборларини ўрганган ҳолда заводда Германиянинг «Эрмафа» фирмаси билан ҳамкорликда яги ускуналар ўрнатиш бўйича шартнома имзоланди. «Кашфармтекс» кўша корхонаси эса «Узфармсанот», «Кашқадарёқурилиш» масъулият чекланган жамияти ва Швейцариянинг «EWL Eastvest Interaction AG» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Бу ерда табиий момик, доза ва ип калава ва ишлаб чиқариляпти. Махсулотнинг 90 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. Шахрисабздаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Туркия-Япония кўша корхонасида тайёрланаётган ип-калава ва трикотаж матоларининг ҳам асосий қисми чет элга жўнатиляпти. Ииллик экспорт ҳажми 12 миллион АҚШ долларидан ошмоқда. Шунингдек, тумандаги «Илғор» ишлаб чиқариш ва хусусий савдо корхонасида ҳам маҳаллий пахта хомашёси қайта ишланиб, сифатли халқ истеъмол моллари тайёрляпти.

Дарҳақиқат, юқори сифатли, рақобатбардор маҳсулотларга ўзимизда ҳам, халқаро бозорда доимо харидор топилади. Бошқармаимиз мутахассисларининг диққат-эътибори ишлаб чиқариляётган маҳсулотлар сифатлигини ва метрология таъминотини, мувофиқлик сертификатлари билан сотилишини назорат қилишга қаратилган. Мулкчилик шаклидан қатъи назар борма хисомий шахслар, ҳўжалик йўритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматлари сертификатлаштириш ҳамда истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонунлари ва меъёрий ҳўжатлари талабларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Ўтказилган текширишлар 155 та корхонадан 106 тасида стандарт талаблари бузилиши аниқланган. Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш талабларига риоя қилинмаганлиги учун 12 та корхонага нисбатан 4 миллион 569 минг сўмлик иқтисодий жаримлар қўйилди. 31 та корхонада 32 хил турдаги маҳсулотларни сотиш тақиқланди. Хорижга жўнатилаган 604 миллион 464,5 минг сўмлик импорт маҳсулотлари текширишдан ўтказилди.

Қамаши туманидаги «Момик» кўша корхонаси, Қарши шаҳридаги «Сопол қувурлар» заводи ва «Олдин момо» хусусий фирмаси, Шахрисабз туманидаги «Мирокс» ҳамда «Кашқадарёгўштсавдо», «Кашқадарёшарбсавдо» очик ҳиссадорлик жамиятлари каби корхоналарда маҳсулот тайёрлаш, тамгалаш жараёнида стандарт талаблари бузирилганлиги аниқланди. Камчиликларга йўл қўйган мутасаддилар оғохланрилиб, жаримага тортилди.

Бозорларда мувофиқлик сертификатисиз, сифатсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан рейдлар уюштириляпти. Тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишлари ўтказилиб, амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тўлқин ХИДИРОВ, Қашқадарё вилоят стандартлаштириш ва метрология бoшқармаси бошлиғи

санаторий ва дам олиш уюшмалари яратилган. Жумладан, бир маҳал бепул тушлик ташкил этилган. Зарарли иш шaroитларида ишловчиларга сут берилди. Шунингдек, ходимларимиз учун махсус автобуслар ажратилди. Бундан ташқари, кутубхона, ошона, чойхона ҳамда бир нечта маиший хизмат шохобчалари меҳнатқашлар хизматида. Дарҳақиқат, корхона ишчи-хизматчилари ижтимоий муҳофазалаш ишига биринчи галдаги вазифаси сифатида қаралмоқда. Мисол учун, ўтган йили биргина касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан 385 минг сўм моддий ёрдам ҳамда 190 минг сўм мукофот пуллари ажратилди. Илғор ишчиларга республика ҳамда вилоят миқёсидаги

Саволларингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси Бош ҳўқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

